

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Ўн учинчи кисм

«Иймон келтирган ва такво килганлар учун, албатта, охиратдаги ажр яхшироқ бўлур». (Юсуф сураси, 57-оят)

Иймонли ва такводор кишилар килган гўзал амаллари учун бу дунёнинг ўзидаёқ яхши-яхши ажр-мукофотларга эришадилар, аммо уларга охиратда бериладиган ажр-мукофотлар бундан ҳам яхшироқдир.

«Улар: «Э-э, хали сен Юсуфмисан?!» – дедилар. У: «Мен Юсуфман, мана бу – иним. Аллох бизга мархамат кўрсатди. Хакикатан, ким такво ва сабр килса, Аллох, албатта, гўзал иш килувчиларнинг ажрини зое килмагай», деди». (Юсуф сураси, 90-оят)

Юсуфнинг акалари шошиб колдилар. Чунки улар билан анчадан бери муомала килаётган Миср бош вазири бир вақтлар ўзлари хасад оркасида кудукка ташлаб юборган укалари Юсуф бўлиб чиқишини ҳеч кутмаган эдилар.

«Улар: «Э-э, хали сен Юсуфмисан?!» – дедилар.»

Улар кўзларига ҳам, кулоқларига ҳам ишонмай, яна бир бор тасдиқлаб олмокчи бўлдилар. Шунда Юсуф алайхиссалом:

«Мен Юсуфман, мана бу – иним. Аллох бизга мархамат кўрсатди», дедилар.

Ўзок айриликдан сўнг бизни учраштирди. Холимизга раҳм килди. Обрў-эътибор берди.

Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки:

«Хакикатан, ким такво ва сабр килса, Аллох, албатта, гўзал иш килувчиларнинг ажрини зое килмагай».

Биз ҳам кўлимиздан келгунча такво ва сабр килдик, окибатда шу даражага эришдик, дедилар.

«Биз сендан илгари ҳам факат шаҳар ахлидан эр кишиларга вахий юбориб, Пайгамбар этганмиз. Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг окибати нима бўлганига назар

солмайдиларми? Албатта, охират диёри такво киладиганлар учун яхшироқдир. Акл юритмайдиларми?!» *(Юсуф сураси, 109-оят)*

«Такводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (будир): остидан анхорлар оқади, мевалари ва соялари доимийдир. Бу, такво қилганларнинг оқибатидир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир». *(Раъд сураси, 35-оят)*

Жаннатнинг васфида бошка кўпгина оятлар ҳам келган. Улар билан ўз ўрнида танишдик ва яна танишамиз. Ушбу ояти қарима ҳам жаннатни қискача таърифлаб ўтмоқда.

«Такводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (будир)...»

Демак, жаннат фақат такводорларга ваъда қилинган экан. Бошқаларга эмас. Ўша жаннатнинг васфи бундоқдир:

«остидан анхорлар оқади, мевалари ва соялари доимийдир».

Яъни такводорларга Аллох таоло томонидан ваъда қилинган жаннатнинг дарахтлари остидан анхорлар оқиб туради. Бу – энг олий навли богу бўстоннинг васфидир. Бу дунёда ҳам дарахти остидан анхорлар оқиб турган бог, анхори йўқ богдан неча чандон устун туриши ҳаммага маълум. Жаннатникининг васфига тил ожизлигини ҳам ҳамма билади.

Такводорларга ваъда қилинган жаннатнинг яна бир сифати мевалари доимийлигидир. Бу дунёнинг боғлари ҳар қанча яхши бўлган чоғида ҳам меваси доимий эмаслиги маълум. Ҳар йили бир неча ҳафталик мавсумида меваси бўлиб, бир узиб олингандан кейин тамом бўлади. Янаги йилнинг мавсумини кутишга тўғри келади. Жаннатнинг мевалари эса доимий бўлиши ушбу ояти қаримада таъкидланмоқда. Жаннатнинг мевалари мавсумий эмас, доимийдир. Жаннатийлар қачон хоҳласалар, хузурларида тайёр бўлиб туради. Шунингдек, жаннатнинг соялари ҳам доимийдир. Куннинг маълум соатида соя бўлиб, кейин сояси йўқолмайди. Ёки дарахтлари сербарг бўлганда сояли бўлиб, маълум вақтдан кейин барглари тўкилиб, соясиз бўлиб қолмайди.

Меҳрибон Зот, охират диёри такводорлар учун яхшироқ экан, охират ажри яхшироқ экан, бизни такво ва сабр қиладиган бандаларингдан қил ва бизларни такводорларга ваъда қилинган, остидан анхор оқадиган, ҳамда мевалари ва соялари доимий бўлган жаннатларингдан баҳраманд айла.